

## Янги Ўзбекистон тараққиётида ёшларда мустақил тафаккур ва инновацион ғояларни шакллантиришнинг ўрни

Раҳманов Абдурауф Мухаммедович

Тошкент молия институти

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолани ёритиш жараёнида бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этар эканмиз, жамиятда ёшларга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониялар ҳамда ёшларнинг мустақил тафаккур ва инновацион ғояларни илгари суришларида ҳамда инновация тушунчасига маҳаллий ва хорижий олимларнинг берган таърифлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** дунёқараш, инновация, миллатлараро тотувлик, жамият, ижтимоий онг, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, Ватан, тафаккур, интеллектуал, миллий ва умуминсоний қадриятлар.

Бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида жамиятда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитда мустақил фикрловчи ёшларнинг бўлиши давр тақозаси бўлиб, шахсий дунёқарашга эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминловчи кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқишга қодир бўлади. Давлат сиёсатининг бош омилларидан бири теран фикрловчи, ўз мустақил дунёқарашига эга бўлган иқтидорли ёшларни камол топтириш ва тарбиялашдир. Чунки, ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли зиддиятлар ва ёт мафкурага эришиш руҳияти жамият маънавиятини таназзулга олиб келиши шубҳасиз. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақил фикрлаш жамиятда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар муҳити яхши бўлганда ривожланади. Албатта, республикамизда мустақиллик йилларида жамиятда турли миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғоялари сингдирилиб келинмоқда. Жумладан, бу ғоялар ёшларимизда мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб сингдирилиб, бутун жамият ҳаётида ўз аксини топмоқда.



Баркамол авлодни шакллантириш Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсад демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш билан уйғун келади ва биргаликда ижтимоий онгни юксалтириш мақсадини ҳам белгилаб беради.

Янги Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истикболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга эътибор қаратиш ҳозирги кун талабидир. Чунки, эртанги кунимиз, юртимизнинг эртанги тақдири шу ёшлар қўлида. Бу албатта халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос бўлиб, ёшларда Ватан ва жамият шу юрт, шу халқ, шу замин учун фойдали бўлиш сингари янги олийжаноб ғояни шакллантиришдек долзарб вазифани амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшлар масалалари мамлакат тараққиёти ва равнақи билан бевосита боғлиқ экан, ушбу муҳим вазифаларни ҳал этиш, уларни турли хил маънавий, мафкуравий таҳдидлардан асраш, эркин фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсата оладиган, мустақиллигимизнинг моҳиятини ва қадрини англайдиган, уни ҳар қандай хавф-хатардан асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб билиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга кўра Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидагилар ташкил этади:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;



ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган ҳатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўровонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш”. [1]

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари борар эканмиз, ёшларимизда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

“Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Энди инновация ва у ҳақида илгари сурилган илмий фикр ва қарашларни кенгроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Инновация тушунчасининг шаклланишига эътибор берсак, бу тушунча фалсафий адабиётларда асосан XIX асрнинг охирларидан қўлланила бошлангани маълум бўлади.



Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос лакоматив ролини бажаради, деб ишонамиз. [2]

Ўрта асрлар Шарқ алломалари орасида Абу Наср Форобийнинг давлат ва жамият ривожланиши борасидаги ғоялари бугунги кунгача илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келмоқда. Мутафаккирнинг давлат бошқарувиغا янгиликларни жорий этиш ва шу орқали фаровонликни таъминлаш тўғрисидаги фикрлари бизни давримиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. “Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тadbиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилиши лозим ва фойда топса турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради.

Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгариш ва ўсиш бўлмайди”. [3] Демак, ушбу фикрда айнан, инновация сўзи ишлатилмаган бўлса-да, унда инновация сўзининг асл маъноси бор. Ҳар бир даврнинг ўзига хос бошқарув усули бўлганидек, ўша даврдаги раҳбар шахслар ўзидан олдин раҳбар бўлиб ишлаганларнинг қўлга киритган ижобий бошқарув усул ва воситаларидан фойдаланган.

А.Эгамбердиев эса: “Инновация – жамият аъзоларининг янгича тафаккур ва фаолиятига асосланган ҳолда моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёни бўлиб, унинг натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ижобий ўзгаришлар вужудга келди”. [4]

Европалик олим Й.Шумпетер инновацияларнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги қисмларга ажратиб хулоса қилади:



- нарсанинг ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган янги товар ёки янги сифатга эгаллиги;
- “синаб кўрилмаган янги усул асосида ривожланаётган ишлаб чиқариш соҳаси;
- янги товарлар кириб бормаган бозорларнинг ўзлаштирилиши ва ривожлантирилиши;
- ишлаб чиқариш тармоғидан янги манбаларнинг очилиши;
- соҳада янги йўналишнинг яратилишидир”. [5]

Россиялик О.Шупленков инновацияни жамиятда ўзгариш асосида инсон яратувчилик фаолияти нуқтаи назаридан таҳлил қилади ва унга қуйидагича таъриф беради: “Инновация яратувчилик, моддий ва номоддий маданиятнинг янги элементларини (моделлар, шакллар) у ёки бу ижтимоий тизимда тан олинishi ёки қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг натижаси сифатидаги жараёндр”. [6]

Биз юқорида инновацияга тушунчасига турли олимлар томонидан берилган таърифларга тўхталиб ўтдик. Албатта, бугунги инновацион ғоялар, технологиялар ривожланган даврда ёшларимизнинг мустақил фикрга эга бўлишлари, жамият тараққиёти учун янги ғояларни илгари суришига ундайди.

Миллий мустақиллик халқимизга эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккур шахсни фаолликка ундайди, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этади.

Бугун биз ҳар томонлама тараққий топиб бораётган, ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб тинч, осойишта ҳаёт кечираётган, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшамокдамиз. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тафаккурни мустақиллик талабларига ҳамда ҳозирги ахборот технологияси ҳаётнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб келаётган, бугун дунёда глобаллашув



тенденциялари кучайиб бораётган давр даъватларига мослаштирмасдан туриб, ислохотларни юкори суръатларда ва муваффақиятли давом эттириш қийин.

Янги авлодни баркамол этиб тарбиялаш, яъни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш масаласига жамият миқёсида устувор вазифа деб қаралмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугунги замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мутақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”. [7]

Хусусан, ушбу жамиятда ўз илдизи ва асосига эга бўлган институтлар, кадриятлар, урф-одатлар, аҳоли менталитети, минтақавий, миллий, диний, маданий-маънавий хусусиятлар халқнинг модернизациялашган кадриятларни қай даражада қабул қила олиши, сиёсий тизимнинг янгиланиши кабиларнинг эътиборга олиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Тафаккур эркинлигининг моҳиятида инсонпарварлик, жамият ва алоҳида шахс манфаатлари ўз ифодасини топар экан, бугунги келажаги буюк бўлган давлатимизни янада шакллантириш жараёнида ёшларимизда ушбу туйғуларни мустақкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Эркин одамгина фикр озодлигига ҳам эга бўлади. “Тафаккур эркинлиги умумназарий томондан фалсафанинг энг мураккаб масалаларидан биридир. У оқибатда фалсафий илмнинг барча таркибий қисмлари – онтология, гносеология, методология, логика, аксиология, этика, эстетика ва ҳ.к. ҳамда психология билан, образли мушоҳадаси орқали бадий ижоднинг барча турлари билан у ёки бу даражада боғланади”. [8]

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларимизни ҳар томонлама баркамол



инсонлар қилиб вояга етказишни бош мақсадимиз қилиб олган эканмиз, бугунги инновацион технологиялар ривожланган даврда ёшларимизнинг мустақил фикрга эга бўлишлари, ўз гоё ва интеллектуал салоҳиятларини намоён этишлари учун давлатимиз томонидан яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда уларни креатив фикрлайдиган, ўз касбини севадиган, ватанпарвар, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбилаш ва Ватан равнақиға дахлдорлик руҳи билан тарбиялаш барчамизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.Б - 34-35
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Т.: “Ўзбекистон” 2018, 19-20 бетлар (2017 йил 22 декабрда бўлган)
3. Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: 1994. – Б.189-190.
4. Эгамбердиев А.А. Ўзбекистонда модернизациялаш шароитида ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий муаммолари: Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент: 2019. – Б. 40.
5. Шумпетер Йозеф. Теория экономического развития. – Москва: Директмедия Паблишинг, 2007. – С. 159.
6. Шупленьков.О.В. Промлема формирования инновационной личности в современном обществе// Психология и психотехника, 2013. №8. – С.21
7. Ш.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019 й, Б.-145-146
8. Абдурахим Эркаев. Тафаккур эркинлиги. Т.: “Маънавият” 2007, Б.-35